

Мактабдаги муҳим муроҷот

"Гидромелиорация" факультети "Гидрология ва гидрогеология" кафедраси профессор-үқитувчилари Д.В.Назаралиев, С.Е.Нуржанов, Ш.Б.Акмалов, Қ.Ш.Эшқуватов, С.Р.Мансуров, И.М.Рўзиев, Ж.Ҳамрақулловлар Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани 56-мактабнинг 10-11 синф ўқувчилари билан учрашув ўтказишиди. Учрашувда кафедрадаги мавжуд йўналишлар бўйича маълумотлар берилиб талабаликка қабул қилинган ўқувчиларнинг имкониятлари тўғрисида ҳам маълумот берилди.



Бунда институтнинг чет давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик шартномалари ва меморандумлари мавжудлиги яхши натижаларга эришган талабалар шу давлатларда ўқишни давом эттириш, шу билан биргаликда икки томонлама дипломларга эга бўлиш имконияти мавжудлиги тўғрисида сўз юритилди. Шундан кейин ўқувчилар билан савол жавоб ўтказилиб фаол иштирок этган ўқувчилар кафедра профессор-үқитувчилари томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланишиди.



ТИҚХММИ матбуот хизмати